

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МАҲАМАТАЛИЕВ ИРКИН МУМИНОВИЧ

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН БЕТОНЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА
ХОССАЛАРИНИ СТРУКТУРАЛИ-ИМИТАЦИЯЛИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ БИЛАН ТАДҚИҚОТ
ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of Abstract of Doctoral (DSc) dissertation

Махаматалиев Иркин Муминович

Модификацияланган бетонларнинг структураси ва хоссаларини структурали-имитацияли моделлаштириш услублари билан тадқиқот қилишнинг назарий ва методологик асослари.....3

Махаматалиев Иркин Муминович

Теоретические и методологические основы исследования структуры и свойств модифицированных бетонов методами структурно-имитационного моделирования.....31

Maxamataliev Irkin Muminovich

Methodological basics of the optimal and direction of physical compounds design and chemical properties of multicomponent high-quality concretes.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МАҲАМАТАЛИЕВ ИРКИН МУМИНОВИЧ

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН БЕТОНЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА
ХОССАЛАРИНИ СТРУКТУРАЛИ-ИМИТАЦИЯЛИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ БИЛАН ТАДҚИҚОТ
ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/T234 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Адилходжаев Анвар Ишанович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тулаганов Абдуқобил Абдунабиевич техника фанлари доктори, профессор Ерофеев Владимир Трофимович техника фанлари доктори, профессор (Россия) Абдусаттаров Абдусамат техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент-архитектура қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «2» ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент, Абдулла Қодирий кўчаси, 7В-уй. Тел.:(998 71) 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz , taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 25 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «16» октябрь куни тарқатилди.
(2019 йил «24» сентябрь 4 рақамли реестр баённомаси.)

Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

С.А. Ходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таркиблари ва тайёрлаш технологияси жихатидан анъанавий бетонлардан жиддий фарқ қилувчи кўп компонентли юқори сифатли янги авлод бетонларини ишлаб чиқиш ва улардан саноат, фуқаро ва транспорт қурилишининг замонавий объектлари конструкцияларини барпо қилишда кенг кўламда фойдаланиш етакчи ўринни эгалламоқда. Ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Япония, Канада, Германия, Франция ва Европанинг бошқа ривожланган мамлакатларида янги авлод бетонлари ҳозирги кунда инсониятнинг устувор ривожланишини таъминловчи асосий қурилиш материали сифатида эътироф қилинади ва «Конструкцион бетон бўйича халқаро федерация»¹ (International Federation for Struktural Concrete, FIB) маълумотларига кўра бетонларни ишлаб чиқариш ҳажми йилига 4,0 млрд. м³ га яқинлашганлиги башорат қилинади. Шу жихатдан олганда дунёнинг ҳар бир мамлакатада маҳаллий материаллар ва хом ашё базасига асосланган ҳолда кўп компонентли юқори сифатли янги авлод бетонларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида юқори қурилиш-техник ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган янги авлод бетонларининг таркиби ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Бундай бетонларни тайёрлашда уларнинг таркибига юқори маркали (М500 ва ундан юқори) цементлар, кимёвий қўшимчалар: супер- ва гиперпластификаторлар, кукунсимон реакцион-фаол минерал микротўлдиргичлар киритиш юқори самара бермоқда. Шу билан бирга ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни ечишда янги авлод бетонларининг таркиби ва структурасини замонавий математик ва структурали-имитацияли моделлаштириш усулларида фойдаланиб оптимал лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси тармоғини жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, уларнинг таннархини арзонлаштириш, янги авлод бетонларидан барпо қилинаётган конструкциялар, бино ва иншоотларнинг ишончлилигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифалари

¹<http://enciklopediyastrov.ru>, <https://link.springer.com>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, қурилиш соҳасида энергия ва ресурслар сарфини сезиларли даражада тежаш имконини берувчи янги авлод бетонлари таркибини оптимал лойиҳалаш, комплекс модификацияланган бетонлар структурасини замонавий математик ва структурали-имитацияли моделлаштириш усулларидадан фойдаланиб оптималлаштиришнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳамда аҳолининг сейсмик хавфсизлиги, қурилиш зилзилабардошлиги ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сон «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198 сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энерго ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Янги авлод бетонларининг янги турларини яратиш, таркибларини оптималлаштириш, уларни ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжудларни янада такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, American Concrete Institute (АҚШ), Bundesverband Betonbauteile Deutschland (Германия), European Federation for the Precast Concrete industry (Бельгия), International Union of Laboratories and Experts in Construction Materials (Франция), International Federation for Structural Concrete (Швейцария), International Association for Shell and Spatial Structures (Испания), International Council for Building (Голландия), International Association for Earthquake Engineering (Япония), University of Exeter (Буюк Британия), А.А.Гвоздев номидаги Темирбетон ва бетон илмий-тадқиқот институти (Россия), Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://enciklopediyastroy.ru>, www.understanding-cement.com, <https://theconstructor.org>, <https://www.linkedin.com> ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқарилган

институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда янги авлод бетонларининг таркиби ва технологиясини яратиш, уларнинг асосида бетон ва темирбетон конструкцияларнинг ишончлилиги, умрбоқийлиги ва ресурстежамкорлигини оширишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: таркибга микрокремнезем ва гиперпластификаторлар комплексини киритиш, қоришмани $t=150-200^{\circ}\text{C}$ ҳароратда пресслаш орқали бетоннинг мустаҳкамлигини кескин оширувчи ($>300\text{МПа}$) технологиялар ишлаб чиқилган (American Concrete Institute, АҚШ); таркибга графен қатламларини киритиш орқали ўта мустаҳкам (4 баровар мустаҳкамроқ) ва сувга чидамли (2 марта чидамлироқ) бетон олинган (University of Exeter, Буюк Британия); таркибга микрокремнезем ва базальт толаларини киритиш туфайли мустаҳкамлиги $150-175\text{МПа}$ га тенг бўлган фибробетонлар ишлаб чиқилган (Bundesverband Betonbauteile Deutschland, Германия); комплекс модификацияланган бетонлар асосида кўприklarнинг сейсмик устувор юпка деворли ва ўта мустаҳкам юк кўтарувчи конструкциялари ишлаб чиқилган (International Association for Earthquake Engineering, Япония).

Дунёда юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган янги авлод бетонларидан самарали қурилиш конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор, жумладан: қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таркибига минерал микротўлдиргич ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар қўшилган комплекс модификацияланган бетонлар дисперс системасидаги фазалараро ўзаро таъсирланишни бошқариш усуллари ишлаб чиқиш; комплекс модификацияланган бетонлар таркибларини оптимал лойиҳалашнинг янги услубини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш; комплекс модификацияланган бетонларни микроструктура даражасида математик моделлаштиришнинг замонавий автоматлаштирилган услублари асосида оптималлаштириш методикасини ишлаб чиқиш; комплекс модификацияланган бетонларни макроструктура даражасида замонавий структурали-имитацияли моделлаштириш услублари асосида оптималлаштириш методикасини ишлаб чиқиш; комплекс модификацияланган бетонлар физик-механик ва эксплуатацион хоссалари кўрсаткичларини минерал микротўлдиргичлар сирт-фаол хоссалари ва кимёвий қўшимчаларнинг пластификациялаш қобилиятини эътиборга олган ҳолда олдиндан башорат қилиш методикасини ишлаб чиқиш; цементли системалар гидратацияланиш муҳитида физик-кимёвий ўзаро таъсирларни бошқаришга йўналтирилган технологияларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида янги авлод бетонларини яратиш, модификацияланган бетонлар таркиби ва технологиясини такомиллаштириш, турли хилдаги минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларнинг

цементли боғловчи билан ўзаро таъсирлашуви қонуниятларини ўрганиш бўйича И.П.Александрин, И.Н.Ахвердов, Ю.М.Баженов, В.Г.Батраков, А.Н. Бобрышев, Г.Г.Вагнер, А.В.Волженский, В.Н. Выровой, Г.И.Горчаков, В.С.Демьянова, В.Т.Ерофеев, Ю.В.Зайцев, А.И.Звездов, П.Г.Комохов, В.И.Калашников, В.Н.Кондращенко, Н.В.Михайлов, Т.И.Петрова, Г.А. Полковникова, В.И. Соломатов, В.П.Селяев, Ю.А. Соколова, А.В.Ушеров-Маршак, Н.Б.Урьев, В.Р.Фаликман, Р.Фере, Г.У.Хинце, С.В.Шестоперов, А.Е.Шейкин ва бошқа олимлар кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Республкамизда модификацияланган бетонларнинг таркиблари ва технологиясини маҳаллий материаллар ва хом ашё базасига татбиқан ишлаб чиқиш, таркибига пластификацияловчи кимёвий кўшимчалар ва минерал микротўлдиргичлар қўшилган бетонлар технологиясини такомиллаштириш, модификацияланган бетонлар структураси ва хоссаларини моделлаштириш асосида таркибларини оптималлаштириш масалалари бўйича Э.У. Қосимов, М.Қ. Тоҳиров, Н.А. Самиғов, А.И. Адилходжаев, А.Т.Джалилов, С.А.Ходжаев, Б.Б.Хасанов, Р.Д.Тешабаев, А.А.Ашрабов, Н.Х.Талипов, А.А.Тулаганов, В.М. Цой ва бошқалар турли йилларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар

Улар томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқотларда кимёвий кўшимчаларнинг цементли системаларга таъсир кўрсатиши, дисперс системаларнинг сирт фаоллигини минерал заррачаларнинг ўлчами оптимал бўлган микротўлдиргичлардан фойдаланиб бошқариш механизмлари очиб берилган, олдиндан белгиланган хоссалар комплексига эга бўлган модификацияланган бетонлар структурасининг мақсадга йўналтирилган шакллантирилиш масалалари батафсил кўриб чиқилган. Лекин ушбу тадқиқотларда минерал микротўлдиргич ва пластификацияловчи кимёвий кўшимчадан иборат бўлган органик-минерал кўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар таркибини илмий-асосланган тарзда лойиҳалаш, комплекс модификацияланган бетонларнинг таркиби ва структурасини микро- ва макроструктура даражасида замонавий математик ва структурали-имитацияли моделлаштириш усулларидан фойдаланиб оптималлаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг № И-2015-8-2 «Бетон ва йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришига самарадор технологияни жорий қилиш» (2013-2015); № А14-013 «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган оддий маркали цемент асосида юқори мустаҳкам бетонларни олиш технологияси ва таркибларини ишлаб чиқиш» (2012-2015), № БВ-Ф4-04 «Композицион материалларнинг полиструктурали назарияси асосида кўп компонентли

юқори сифатли бетонлар таркибини оптималлаштириш ва хоссаларини башорат қилиш» (2017-2019), № БВ-Атех-2018-105 «Структурали-имитацияли моделлаштириш усулларида фойдаланиб сейсмочидамли қурилиш учун самарали цемент композитлар олиш ва тадқиқ қилиш методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2019) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минерал микротўлдиргич ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчадан иборат органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар таркиби ва структурасини микро- ва макродаражаларда математик ва структурали-имитацияли моделлаштиришнинг замонавий услубларидан фойдаланиб оптимал лойиҳалаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар қўшилган комплекс модификацияланган бетонларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар ва республикамиз олимлари илмий тадқиқотлари натижаларини ўрганиб чиқиш ва тизимлаштириш;

комплекс модификацияланган бетонларни алоҳида туркум сифатида ажратишни кўзда тутувчи цементли бетонларнинг “модификациялаш даражаси” белгиси бўйича янги таснифини ишлаб чиқиш;

комплекс модификацияланган бетонларнинг таркибий компонентларини сифат жиҳатидан аниқлаш имконини берувчи минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни илмий асосланган танлаб олиш усулини ишлаб чиқиш;

комплекс модификацияланган бетонлар таркибий компонентларининг оптимал миқдорини аниқлаш имконини берувчи, ҳамда математик ва структурали-имитацияли моделлаштиришнинг замонавий услубларидан фойдаланишни кўзда тутувчи кўп даражали оптималлаштириш усулини ишлаб чиқиш;

комплекс модификацияланган бетонлар таркибини оптимал лойиҳалаш усулини маҳаллий материаллар ва Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё ресурслари базасига татбиқан синовидан ўтказиш ва олинган натижалар асосида бетоннинг янги таркиби ва бетон қоришмасини тайёрлашнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таркиби келиб чиқиши табиий ёки техноген бўлган маҳаллий минерал микротўлдиргич ва самарали пластификацияловчи кимёвий қўшимчадан иборат бўлган органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети таркиби маҳаллий минерал микротўлдиргич ва самарали пластификацияловчи кимёвий қўшимчадан иборат бўлган органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларнинг таркиби, структураси ва хоссалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қурилиш материалларини синашнинг стандартлаштирилган усуллари, физик-кимёвий ва математик-статистик таҳлил қилиш усуллари, ҳамда экспериментларни математик режалаштириш ва структурали-имитацияли моделлаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар таркибини лойиҳалашнинг ишлаб чиқилган усуллари асосида композицион қурилиш материаллари полиструктурали назариясининг методологик принциплари такомиллаштирилган;

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларнинг сифат жиҳатидан таркибини аниқлаш учун минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни илмий-асосланган ҳолда танлаш усули ишлаб чиқилган;

математик ва структурали-имитацияли моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларнинг таркиби, микро- ва макроструктурасини оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган;

илк бор маҳаллий материаллар ва минерал хом ашё ресурслари асосида органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетон қоришмасининг таркиби ишлаб чиқилган;

илк бор юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларни олиш имконини берувчи бетон қоришмасини тайёрлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги авлод бетонларини ва уларни ўз навбатида иккита: “модификацияланган” ва “комплекс модификацияланган” турларга ажратишни кўзда тутувчи цементли бетонларнинг “модификациялаш даражаси” белгиси бўйича янги таснифи таклиф қилинган;

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларни олиш рецептурасида компонентларнинг сифат даражасидаги таркибини аниқлаш учун минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни танлаб олишнинг илмий-асосланган усули ва ушбу методикани амалда қўллашда ҳисоблашларни автоматлаштириш имконини берувчи ЭҲМлар учун дастур яратилган;

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар микроструктураси даражасида таркиби ва структурасини оптималлаштириш имконини берувчи экспериментларни математик режалаштиришнинг такомиллаштирилган усуллари қўллашга асосланган усул ва ушбу усул доирасида ҳисоблашларни автоматлаштириш имконини берувчи ЭҲМлар учун дастур яратилган;

органоминерал кўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар макроструктураси даражасида таркиби ва структурасини оптималлаштириш имконини берувчи структурали-имитацияли моделлаштиришнинг замонавий усулларига асосланган ЭХМлар учун дастур ишлаб чиқилган;

цемент сарфи бўйича юқори тежамкор ва физик-механик ва эксплуатацион хосса кўрсаткичларига эга бўлган органоминерал кўшимчали комплекс модификацияланган бетонларнинг маҳаллий материал ва хом ашё ресурсларига асосланувчи оптималлаштирилган таркиблари ва технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги экспериментал тадқиқотлар комплексининг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг юқори даражада мутаносиблиги, экспериментал маълумотларни қайта ишлашда математик статистиканинг синалган усулларидан фойдаланилганлиги, ҳамда методикалар, дастурий таъминот, комплекс модификацияланган бетон таркиблари ва технологиясини амалиётга жорий қилишда ижобий натижаларга эришилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти органоминерал кўшимчали комплекс модификацияланган бетонларни янги авлод бетонларининг бир тури сифатида структураси ва хоссаларининг шаклланиши ҳақидаги илмий фаразларнинг ривожлантирилиши, уларнинг таркиби ва структурасини микро- ва макродаражаларда кўп даражали оптималлаштириш усулининг назарий асослари яратилиши, ҳамда композицион қурилиш материалларининг полиструктурали назарияси методологик принципларининг янада такомиллаштирилиши билан изоҳлананди.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти органоминерал кўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар рецептурасида компонентларнинг сифат жихатидан таркибини аниқлаш учун минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий кўшимчаларни танлаб олишнинг илмий-асосланган усулини, юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссалари кўрсаткичларига эга бўлган маҳаллий материаллар ва хом ашё ресурсларига асосланиб олинувчи янги авлод бетонларининг оптимал таркиблари, уларнинг таркиби ва структурасини микро- ва макродаражаларда оптималлаштириш учун ҳисоблашларни автоматлаштириш имконини берувчи алгоритмлар ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш амалиётида қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Модификацияланган бетонларни структурали-имитацияли моделлаштириш усули билан структураси ва хоссаларини тадқиқот қилишнинг назарий ва методологик асосларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

цеолитли тоғ жинси ва GLENIUM SKI 504 суперпластификатори асосида олинган органоминерал кўшимчали комплекс модификацияланган

бетонларнинг оптимал таркиблари «BINOKOR TEMIRBETON SERVIS» МЧЖ ҚҚда йиғма бетон ва темирбетон конструкциялар тайёрлашда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 12 августдаги Н/4715-19-сонли маълумотномаси). Натижада цемент сарфини 1,4 марта камайтириш, мустаҳкамликни 12-20%га, музлашга чидамликни 1,5-2 баробар, сув ўтказмасликни эса бир марказга ошириш имкони яратилган;

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларнинг таркиби ва микроструктурасини оптималлаштириш усули «BINOKOR TEMIRBETON SERVIS» МЧЖ ҚҚда бетонларнинг ишчи таркибларини оптимал лойиҳалашда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 12 августдаги Н/4715-19-сонли маълумотномаси). Натижада В15-В40 синфли бетонларнинг оптимал таркибларини аниқлаш вақти, материал ва меҳнат сарфларини 20%га камайтириш имкони яратилган;

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетонларнинг таркиби ва макроструктурасини оптималлаштириш усули «BINOKOR TEMIRBETON SERVIS» МЧЖ ҚҚда бетонларнинг ишчи таркибларини оптимал лойиҳалашда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 12 августдаги Н/4715-19-сонли маълумотномаси). Натижада В15-В40 синфли бетонларнинг оптимал таркибларини аниқлаш вақти, материал ва меҳнат сарфларини 20%га камайтириш имкони яратилган;

органоминерал қўшимчали комплекс модификацияланган бетон қоришмасининг янги таркиби ва темирбетон конструкцияларини ишлаб чиқариш бўйича “Технологик инструкция”лар «BINOKOR TEMIRBETON SERVIS» МЧЖ ҚҚда жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 12 августдаги Н/4715-19-сонли маълумотномаси; “Бетон қоришмаси” №ІАР 05771 15.02.2019). Натижада маҳсулотнинг таннархини 12-15 %га камайтириш имкони яратилган;

бетон қоришмасини тайёрлашнинг янги усули «BINOKOR TEMIRBETON SERVIS» ҚҚ МЧЖ корхонасида жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 12 августдаги Н/4715-19-сонли маълумотномаси; “Бетон қоришмасини тайёрлаш усули” №ІАР 05772 15.02.2019). Натижада 1275 млн. сўмлик иқтисодий самара олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 75 та илмий ишлар, шулардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 21 та мақола, жумладан 20 таси республика ва 1таси хорижий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари 2 та ихтирога патент ва 4 та

дастурий воситага муаллифлик гувоҳномалари олинган, 1 та ўқув-услугий қўлланма ва 1 та услубий кўрсатма чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 243 бетни, асосий қисми эса 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тарақиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўп компонентли юқори сифатли янги авлод бетонларини тадқиқ қилиш ва қўллашнинг замонавий ҳолати ва истиқболлари”** деб номланган биринчи бобда модификацияланган бетон технологияси ривожланишининг замонавий ҳолати бўйича аналитик шарҳ келтирилган бўлиб, унда цементли бетонлар технологияси ривожланишининг назарий ва амалий масалалари аниқлаштирилган, янги авлод бетонларини (ЯАБ) қўллашнинг илғор хорижий ва маҳаллий тажрибаси ақс этирилган, ЯАБнинг оптималлаштирилган таркиби ва структурасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

Илғор хорижий қурилиш тажрибасининг кўрсатишича, яқин келажакда оддий бетонлар ўрнини янги авлод бетонлари батамом эгаллайди. Бу биринчи навбатда бетонлар таркибига қўшимчалар комплексини: минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни киритиш орқали амалга оширилади. Амалиётда бетонларнинг янги авлодини юқори даражада зич, капилляр ғовақларининг улуши кам, гидратли янги ҳосилаларининг миқдори кўп бўлган цемент тошининг структурасини мақсадга йўналтирилган равишда шакллантириш орқали амалга оширилади. Цементли бетонларни қўшимчалар комплекси билан модификациялаш цементли бетонларнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишнинг энг осон ва арзон усулларида бири ҳисобланади.

Бирок, қўшимчалар комплексининг цемент тоши фазали таркибига, цементли композициялар структурасининг шаклланиши ва умрбоқийлигига таъсири, ҳамда ЯАБлари, шулар жумласидан комплекс модификацияланган бетонлар (КМБ) таркибини илмий асосланган лойиҳалаштириш масалалари етарлича батафсил тадқиқ этилмаган. Илмий-техник адабиётларнинг таҳлили кўрсатишига, ҳозирги кунда пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар ва минерал микротўлдиргичларни қўллаб олинadиган КМБ таркибини лойиҳалашда модификаторлар комплексини танлаб олиш, ҳамда уларнинг

таркиби ва структурасини кўп даражали оптималлаштириш услублари умуман мавжуд эмас. Шунинг учун мазкур докторлик диссертациясида курилиш материалшунослигидаги мавжуд ушбу илмий муаммони ечишга ҳаракат қилинган ва илк бор органоминерал кўшимча (ОМҚ) кўшилган КМБларнинг таркиби ва структурасини оптимал лойihalаштириш усули таклиф этилган. Диссертация ишининг мавзуси бўйича мавжуд адабиётлар шарҳи асосида тадқиқотларнинг ишчи гипотезаси шакллантирилган, мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Ишчи гипотеза. Кўп компонентли гидратацияланувчи муҳитда содир бўладиган физик-кимёвий ўзаро таъсирлашувларнинг хусусияти ва мураккаблигини эътиборга олиб, математик ва структурали-имитацияли моделлаштиришнинг замонавий усуллари қўлланган янги авлод бетонлари таркиби ва структурасини кўп даражали оптималлаштиришни қўллаш асосида цементли композитнинг структура ҳосил қилиши механизмини ростлаш ва хоссаларини башорат қилишнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда содир бўлувчи ўзгаришларга қулай муҳитни яратиш ҳисобига мустаҳкамлик ва эксплуатацион кўрсаткичлари юқори бўлган самарали комплекс модификацияланган бетонлар олиш эҳтимоли фараз қилинади.

Диссертациянинг **“Бошланғич материаллар тавсифи ва қабул қилинган тадқиқотлар усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ЯАБ, хусусан ОМҚли КМБларнинг таркибига кирувчи бошланғич хом ашё материаллари ва экспериментал тажрибаларни бажариш учун қабул қилинган тадқиқот усуллари тавсифлари келтирилган.

Диссертация ишида тадқиқотлар учун Ўзбекистон Республикасида катта ҳажмда мавжуд бўлган, келиб чиқиши табиий ва техноген минерал микротўлдиргичлар: Ангрен ИЭС учирма кули, Бекобод меткомбинатининг электр-эритиш шлаки, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис-эритиш шлаки, Бельтау конининг цеолитли тоғ жинслари, Ангрен конининг глиежи, Қорақия конининг базальт тоши, Майский карьерининг кварцли қуми, Қизилқумнинг бархан қуми қабул қилинган. Экспериментал тадқиқотларда бетон учун пластификацияловчи кимёвий кўшимчалар сифатида камёб бўлмаган маҳаллий ва импорт қилинувчи: техник лигносульфонатлар (ЛСТ), натрий-карбоксиметилцеллюлоза қолдиқлари (КОН), сувли концентранган оқова (СВК), суперпластификатор С-3, Megaplast JK-02, GLENIUM SKY 504 кўшимчалари қабул қилинган.


Диссертация тадқиқотлари олдида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тадқиқотларнинг услублари асослаб берилган ва танлаб олинган. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган услублар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий услублари, ҳамда етакчи хорижий илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ностандарт методикалар қўлланган. Минерал микротўлдиргичлар ШЛМ-100 лаборатория тегирмонида майдаланган.

Минерал микротўлдиргичларнинг дисперслигини баҳоловчи нисбий сирт кўрсаткичи ПСХ-11А асбобида ҳаво ўтказувчанлик услуги (Козени-Карман услуги) бўйича аниқланган. Минерал микротўлдиргичларнинг сирт-фаол хоссаларини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотларда А.П.Ничепоренко (Россия) ишлаб чиққан адсорбция марказлари тақсимланишини аниқлаш услуги қўлланган. Цемент хамирининг структура ҳосил қилиши кинетикаси Ребиндер конуссимон пластометрида аниқланган. КМБлар ёрилишга чидамлилиги тавсифлари: кучланишлар интенсивлигининг критик коэффициентлари- K_c ни аниқлашда ГОСТ 29167-91 да келтирилган услубдан фойдаланилган. ОМҚ ли КМБлар ғоваклигини ўрганишда симобли порометрия услуги қўлланган ва бунда Thermo Scientific фирмасининг Pascal 240 EVO серияли симобли порозиметри ишлатилган. ОМҚ ли КМБлар таркиби ва структурасини микро- ва макроструктура даражасида оптималлаштиришда экспериментларни режалаштиришнинг классик ва такомиллаштирилган услублари ҳамда компьютерга оид моделлаштиришнинг замонавий структурали-имитацияли усулбидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Комплекс-модификацияланган бетонлар учун минерал микротўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни танлашнинг илмий асосланган методикаси”** деб номланган учинчи бобида цементли бетонлар учун “модификациялаш даражаси” белгиси бўйича, пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни эса “сув сирт таранглигини нисбий камайиши” мезони бўйича таснифлари, минерал микротўлдиргичларни “келтирилган гидратацион фаоллик кўрсаткичи” бўйича таснифи, ҳамда кимёвий қўшимчаларни пластификациялаш қобилияти ва минерал микротўлдиргичлар сирт-фаол хоссаларини баҳолашнинг янги методикаларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

ЯАБни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича бажарилган адабий манбаларнинг таҳлили уларни қурилиш амалиётда жуда кенг тарқалаётганлигини, хилма-хиллигини ва модификацияловчи қўшимчаларининг сони турлича эканлигини эътиборга олган цементли бетонларнинг янги таснифини ишлаб чиқишни тақозо қилди. Шуни эътиборга олиб, ЯАБларининг барча турларини ўз ичига олувчи цементли бетонларнинг “модификациялаш даражаси” белгиси бўйича янги таснифи ишлаб чиқилди (1-расм). Янги таснифнинг мазмуни шундан иборатки, назарий жиҳатдан ЯАБларининг таркибига бир-биридан кимёвий тузилиши ва цементнинг гидратацияси жараёнига таъсир кўрсатиши механизми жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи 2 хил модификацияловчи қўшимча: кимёвий ва минерал қўшимча киритиш мумкин. Фикримизча, бетоннинг таркибига уларнинг биттасини киритиш модификацияланган бетон (МБ) деб, биргаликда киритилиши эса КМБ деб номланиши лозим. Ушбу таснифнинг қабул қилиниши ЯАБларнинг маълум бўлган барча турларини: “юқори

мустаҳкам бетон”, “ўзи зичланувчи бетон”, “юқори эксплуатацион кўрсаткичли бетон” ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади ва уларнинг таркибини лойиҳалаш масаласига аниқлик киритади.




А Блок – эски авлод бетонлари; Б Блок – эски авлод бетонлари

1-расм. Бетонларнинг “модификациялаш даражаси”га кўра таснифи

Ушбу бобда цементли системалар учун ишлаб чиқилган пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар ва минерал микротўлдиргичларнинг янги таснифлари ҳам келтирилган. Пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар янги таснифининг асосида ушбу қўшимчаларнинг маълум бир ҳароратда эритмадаги сувнинг сирт таранглиги кўрсаткичини пасайтириш қобилияти ётади. Шунинг учун экспериментал тадқиқотларда кимёвий қўшимчаларнинг сувнинг сирт таранглигини пасайтириш даражаси батафсил ўрганилди ва ушбу қўшимчалар учун сувли эритмаларининг сирт таранглиги изотермалари олинди (2-расм). Ушбу изотермалар пасаювчи эгри чизиклар тўпламидан иборат бўлиб, уларда вертикал участкадан нишабли горизонтал участкага ўтишнинг яққол кўринувчи қисми мавжуд. Кимёвий қўшимчалар дозировкасининг ушбу жойдаги сон қиймати асосида сирт таранглигининг нисбий кўрсаткичи ($\bar{\sigma}$) ҳисоблаб топилади. Диссертация ишида ушбу кўрсаткич кимёвий қўшимчаларнинг пластификациялаш қобилиятини баҳоловчи мезон сифатида қабул қилинди ва ушбу мезон асосида кимёвий қўшимчаларнинг янги таснифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Цементли системалар учун минерал микротўлдиргичларнинг янги таснифи - “келтирилган гидратацион фаоллик кўрсаткичи”га (P_{pga})

асосланган бўлиб, ушбу мезон, фикримизча, минерал микротўлдиргичлар сирт юзасининг гидратацияланиш мухитида кечадиган ўзаро таъсирлашувлар ва янги маҳсулотлар ҳосил бўлиши жараёнларининг боришини аниқроқ баҳолаш имконини беради. Минерал микротўлдиргичларнинг “келтирилган гидратацион фаоллик кўрсаткичи”ни ҳисоблаш учун экспериментал тадқиқотлар асосида олинган адсорбция марказлари тақсимланишининг график боғланишларидан фойдаланилади (3-расм).




1,2,3,4- ЛСТ, КЖН,СВК,С-3 кимёвий қўшимчалар учун (t= 20 °С да);

2-расм. Кимёвий қўшимчалар эритмаларининг сирт таранглиги изотермалари

1-жадвал

Кимёвий қўшимчаларнинг сирт фаол хоссалари бўйича таснифланиши

Сирт таранглиги нисбий кўрсаткичи, $\bar{\sigma}$	Кимёвий қўшимчалар тавсифи
> 0,95	Кучсиз пластификатор
0,95-0,85	Ўрта кучли пластификатор
0,85-0,75	Кучли пластификатор
<0,75	Суперпластификатор



1- базальтти микротўлдиргич; 2- ИЭС учирма кули

3-расм. Микротўлдиргичлар сиртидаги адсорбция марказларининг тақсимланиш графиги

Сўнгги йилларда бажарилган минерал микротўлдиргичларнинг сирт фаоллик хоссаларини тадқиқ қилиш материалларини умумлаштирган холда уларнинг сиртидаги адсорбция марказларининг сон миқдорларини баҳолашда P_{pga} кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф қилинди. Таклиф этилди кўрсаткич қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{pga} = P_{kv} + P_{kl} + 0.33P_{ol} - 0.1P_{ob}, \quad (1)$$

бу ерда : P_{kv} , P_{kl} , P_{ol} , P_{ob} - $0 < pKa < 7$; $pKa > 13,0$; $-4 < pKa < 0$; $7 < pKa < 13,0$ 10^{-3} мг-экв/г– соҳалардаги адсорбция марказларининг сонини билдиради.

Янги тасниф бўйича P_{pga} кўрсаткичининг қийматига кўра минерал микротўлдиргичлар: фаоллиги паст, ўртача фаол, кучли фаол ва ўта фаол турларга бўлинади. КМБ таркибида минерал микротўлдиргичлардан ташқари турли пластификацияловчи қўшимчалар мавжуд бўлишини эътиборга олинса модификаторлар комплекси самарадорлигини ушбу P_{pga} кўрсаткичдан фойдаланиб баҳолашни тўғри деб бўлмайди, чунки гидратацияланувчи мухитдаги аниқ шароитлар тўлиқ эътиборга олинмайди. Шунинг учун ОМҚли КМБлар таркибидаги модификацияловчи қўшимчалар комплекси самарадорлигини башорат қилиш мақсадида “қўшимчалар бирлашмаси самарадорлигининг коэффиценти” номли янги мезон таклиф қилинди. Ушбу коэффицент- $K_{эсд}$ танлаб олинган модификаторлар комплексининг потенциал самарадорлигини юқори аниқлик билан кўрсатиб беради ва қуйидаги эмпирик формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{эсд} = P_{pga} \cdot (1 - \sigma), \quad (2)$$

бу ерда: P_{pga} – минерал микротўлдиргичнинг “келтирилган гидратацион фаоллик кўрсаткичи”; σ – пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар “сирт таранглигининг нисбий кўрсаткичи”.


Экспериментал тадқиқотлар ва аввал ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига статистик ишлов бериш турли модификаторлар комплекси учун $K_{эсд}$ ни ҳисоблаб чиқиш имконини берди (2-жадвал).

2-жадвал

КМБ таркибидаги модификаторлар комплекслари учун $K_{эсд}$ нинг миқдорлари

Қўшимчалар комплекслари	$K_{эсд}$ мезони	Тўлдирилганлик даражасининг оптимал миқдори, %	Этлон таркибга нисбатан мустаҳкамликнинг ортиши, %
С-3+учирма кул	15,4	40	38
СВК+ учирма кул	10,2	35	32
ЛСТ+ учирма кул	8,80	32	28
СВК+базальт	6,75	30	25
КЖН+ учирма кул	5,10	28	16
АЦФ-3М+глиеж	4,70	25	8


Ишлаб чиқилган янги таснифлар бетоншуносликда илк бор ОМҚли КМБлар учун минерал микроўлдиргичлар ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчаларни танлаб олишнинг илмий асосланган методикасини яратиш имконини берди (4-расм).



4-расм. КМБ лар учун пластификацияловчи кимёвий қўшимчалар ва минерал микроўлдиргичлар танлаб олиш методологик схемаси

Бунда ОМҚли КМБлар учун модификацияловчи қўшимчаларнинг танлаб олиниши қоидаси қуйидагича: КМБлар таркибидаги кимёвий қўшимчалар ва минерал микротўлдиргичларнинг потенциал пластификацияловчи ва гидратацион-фаоллаштирувчи хоссаларидан тўлиқ фойдаланиш учун улар ўзаро тенг кучли бўлишига эришиш лозим, яъни суперпластификаторлар ўта фаол минерал микротўлдиргичлар билан, ўртача кучли пластификаторлар эса фаоллиги ўртача бўлган микротўлдиргичлар билан ва шу каби комплекс ҳолда қўлланиши лозим. Фақат шу ҳолдагина КМБ таркибидаги модификацияловчи қўшимчаларнинг потенциал сирт-фаол хоссаларидан тўлиқ фойдаланишга эришиш мумкин бўлади.

2-жадвал маълумотларининг таҳлили $K_{эсд}$ мезони ва тенг ҳаракатчан қоришмалар учун КМБлар тўлдирилганлик даражасининг оптимал миқдори, ҳамда эталон таркибга нисбатан мустаҳкамлигининг ортиши миқдори ўртасида корреляцион боғланишлар мавжудлигини кўрсатиб берди (5-расм).



5-расм. $K_{эсд}$ мезонига нисбатан КМБ тўлдирилганлик даражаси ва мустаҳкамлиги ортишининг график боғланишлари

Диссертациянинг “**Комплекс модификацияланган бетонлар таркиби ва структурасини кўп даражали оптималлаштиришнинг назарий ва методологик асослари**” деб номланган тўртинчи бобида ОМҚли КМБлар таркиби ва структурасини микро- ва макродаражаларда кўп даражали оптималлаштириш методикасини (6-расм) ишлаб чиқиш бўйича бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Композицион қурилиш материалларининг полиструктурали назарияси принципларига асосланиб КМБ таркибини микроструктура даражасида оптималлаштиришда моделлаштиришнинг математик усулларида, макроструктура даражасида эса моделлаштиришнинг структурали-имитацияли усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Таклиф этилган методологик схемага кўра биринчи босқичда цементли композитнинг таркиби микроструктура даражасида экспериментларни


режалаштиришнинг математик усулини қўллаб оптималлаштирилади. Бунда “хусусий рақамлардаги регрессиядан фойдаланилган экспериментларни режалаштириш” деб номланган такомиллаштирилган математик усул қўлланади. Ушбу регрессия усулини бош компонентлар усулининг ривожлантирилиши деб кўриш мумкин.

Уларнинг ўртасидаги фарқ кенгайтирилган корреляцион матрицани куришдан иборат бўлиб, бунда мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция коэффициентларидан ташқари акс таъсир этувчининг охирги ва номустақил ўзгарувчилари коэффициентлари ҳам киритилади ва улар матрицада тартиб бўйича биринчи қўйилади, яъни:

$$\mathbf{Z}^* = |\mathbf{y}, \mathbf{Z}|, \quad (3)$$

Бу ерда: $\mathbf{y} = \frac{(\mathbf{Y} - \mathbf{1}\bar{Y})}{\sqrt{\sigma_{YY}}}$, $\sigma_{YY} = \sum_i (Y_i - \bar{Y})^2$. (1) дан келиб чикувчи $\mathbf{Z}^{*T} \mathbf{Z}^*$ («Т» -

транспонирлаш белгиси) кенгайтирилган корреляцион матрица учун бош



6-расм. КМБ таркибини кўп даражали оптималлаштириш методологик схемаси

компонентлар усули каби хусусий рақамлар ва хусусий векторлар ҳисоблаб топилади. Юқорида жойлашган учбурчак шаклидаги кенгайтирилган симметрик корреляцион матрица қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{pmatrix} & Y & Z_1 & Z_2 & \dots & Z_{l-1} & Z_l \\ \hline Y & 1 & R_{01} & R_{02} & \dots & R_{0,l-1} & R_{0l} \\ Z_1 & & 1 & R_{12} & \dots & R_{1,l-1} & R_{1l} \\ Z_2 & & & 1 & \dots & R_{2,l-1} & R_{2l} \\ \dots & & & & \dots & \dots & \dots \\ Z_{l-1} & & & & & 1 & R_{l-1,l} \\ Z_l & & & & & & 1 \end{pmatrix} = \mathbf{Z}^* \mathbf{r} \mathbf{Z}^*, \quad (4)$$

бу ерда: « $Y \quad Z_1 \quad Z_2 \quad \dots \quad Z_l$ » қатори ва, мос равишда, устуни симметрик матрица элементларини ҳисоблашнинг кетма-кетлигини кўрсатади $R_{ij}(i=0, \dots, l, j=0, \dots, l)$, яъни бирини қатор акс таъсир этувчи Y ва мустақил ўзгарувчилар (омиллар) Z_1, Z_2, \dots, Z_l ўртасидаги корреляция коэффицентларини ўз ичига олади. Хусусий векторлар хусусий рақамларнинг камайишига мос равишда тартиблашади. Хусусий миқдори жуда кичик бўлган векторларни сафдан чиқариш орқали энг кичик квадратлар усули нормал тенгламаларининг модификациялашган системасини оламиз. Шундан сўнг ҳар бир кейинги кадамда сафдан чиқаришнинг Стъюдент ва Фишер мезонларини қўллаб бажариш орқали регрессион моделнинг $0, 1, \dots, q-1$ рақамларига эга бўлган биринчи q компоненти чиқариб ташланган якуний кўринишини ҳосил қиламиз:


$$\hat{Y} = b_0 + \sum_{i=q}^l b_i Z_i, \quad (5)$$

$$\text{бу ерда: } b_k = -c \sum_{j=q}^l \varphi_{0j} \lambda_j^{-1} \varphi_{kj}, \quad (k=1, 2, \dots, l), \quad b_0 = \bar{Y}. \quad (6)$$

(6) даги $c = \text{const}$ қуйидаги ифодадан аниқланади:


$$c = \left(\sum_{j=q}^l \varphi_{0j}^2 \lambda_j^{-1} \right)^{-1} \sigma_{YY}. \quad (7)$$

7-расмда регрессион тенгламалар (классик ва такомиллаштирилган математик моделлаштириш усулларида олинган) асосида қурилган акс таъсир этувчи Y нинг графиклари келтирилган. Келтирилган графикалардан кўриниб турибдики, “хусусий рақамлардаги регрессиядан фойдаланилган экспериментларни режалаштириш” усули классик усулга нисбатан анча юқори аниқликда экспериментал тадқиқотларни тасарруф этади.




7-расм. Регрессия тенгламалари асосида тикланган Унинг миқдорлари (классик ва такомиллаштирилган услублар бўйича) графиклари

Методологик схемага кўра кўп даражали оптималлаштиришнинг иккинчи босқичида структурали-имитацияли моделлаштириш усулини, хусусан ишлаб чиқилган «Бетон-технология» дастурий маҳсулотини қўллаш кўзда тутилади. КМБ макроструктурасини структурали-имитацияли моделлаштиришда тадқиқот объекти қуйидаги кўринишга эга бўлади (8-расм).




8-расм. Моделлаштириш объекти ва унинг компонентлари

КМБ макроструктурасини моделлаштиришда у иккита блокдан: йирик тўлдиргич ва матрицадан ташкил топган, бетон структураси ва компонентларининг бошланғич нуқсонлари эса коллениар ёриқларга (9-расм) эга деб қабул қилинади.




9-расм. Моделлаштириш объекти структураси бошланғич нуқсонларининг геометрик параметрлари

Қўшлмалар–йирик тўлдиргич доналари тегишли геометрик параметрларга эга бўлган қабарик кўпбурчаклар кўринишида моделлаштирилди (10-расм).



10-расм. Моделлаштириш объекти қўшилмаларининг умумий кўриниши

КМБ макроструктураси емирилиши жараёнининг ишлаб чиқилган модели ва унинг «Бетон-технология» дастурий таъминоти макроструктурадаги деструктив жараёнлар шаклланиш эволюциясини кузатиш, композитнинг мустақамликка оид хоссаларини башорат қилиш, ташқи юк-гнинг ортиб бориши билан намунадаги кучланишлар тақсимланишининг, токи намуна тўлиқ емирилиш онигача, виртуал тасвирини олиш имконини беради (11-расм).



11-расм. КМБ намунаси емирилиши динамикасининг виртуал тасвири

КМБ макроструктурасини оптималлаштиришда структуралимитацияли моделлаштириш услубидан фойдаланиш композит структураси шаклланишида содир бўладиган ички жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш, содир бўлувчи ўзаро таъсирлашувларда алоҳида элементларнинг таъсир механизмини аниқлаш ва, умуман олганда, структура шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш, композитнинг талаб этилувчи физик-механик, физик-техник ва махсус хоссаларини шакиллантириш учун турли ташқи ва ички омиллар таъсирини баҳолаш имконини берди.


Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё базасини ҳисобга олувчи оптималлаштирилган структурага эга бўлган комплекс модификацияланган бетонлар таркибини ишлаб чиқиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш” деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган ОМҚли КМБлар таркиби ва структурасини кўп даражали оптималлаштириш методикасини маҳаллий материаллар ва Ўзбекистон Республикасининг минерал хом ашё базасини эътиборга олган дастлабки синовлари натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотларда дастлаб ишлаб чиқилган методологик схемага асосан (4-расм) ОМҚ олиш учун модификацияловчи кўшимчаларнинг энг самарали комплекси аниқлаб олинди. Бунда $K_{эсд1} > K_{эсд2}$ шартини қаноатлантирувчи модификаторлар жуфтлиги «КМБ таркибини илмий асосланган танлашда кўшимчалар бирлашмаси самарадорлиги коэффицентини ҳисоблаш Дастури» дан фойдаланиб танлаб олинди. $K_{эсд}$ мезонининг автоматлаштирилган ҳисоби «цеолитли тоғ жинси + GLENIUM SKI 504» кўшимчаларининг бирлашмаси энг юқори кўрсаткичга, яъни 21,39 бирликка тенг бўлишини кўрсатиб берди ва улар кейинги тадқиқотлар учун қабул қилинди. ОМҚ ли КМБ микроструктурасини экспериментларни режалаштиришнинг такомиллаштирилган математик услубидан фойдаланиб оптималлаштиришда чиқиш параметри сифатида цемент тошининг мустаҳкамлиги $Y(X)$, ўзгарувчан параметрлар сифатида эса: X_1 - минерал микротўлдиргич сарфи; X_2 - минерал микротўлдиргич дисперслиги; X_3 - суперпластификаторнинг сарфи; X_4 - сув-боғловчи нисбати қабул қилинди.

Режалаштирилган экспериментни амалга ошириш, натижаларга статистик ишлов бериш ва регрессия тенгламасининг энг аҳамиятсиз коэффицентларини автоматик тарзда саралашдан сўнг оптимал тўлдирилган цемент тошининг сиқилишга мустаҳкамлигини тавсифловчи куйидаги математик модель олинди:

$$Y(X) = 42,164 + 1,9X_1 - 0,137X_2 - 2,325X_3 + 0,425X_4 + 1,075X_1X_2 + 1,187X_1X_3 - 0,387X_1X_4 + 1,3X_2X_4 - 0,638X_3X_4 - 0,387X_1X_2X_3 - 0,362X_1X_2X_4 + 2,75X_1X_3X_4 - 1,188X_2X_3X_4 + 1,350X_1X_2X_3X_4; \quad (8)$$

Регрессия тенгламасининг адекватлиги ишлаб чиқилган дастурнинг график пакети ёрдамида текшириб кўрилди (12-расм).



12-расм. Регрессия тенгламасининг адекватлигини текшириш графиги

Олинган математик моделни технологик таҳлил қилиш натижасида КМБ микроструктурасининг қуйидаги оптимал рецептура-технологик параметрлари аниқланди: тўлдирилганлик даражаси -40 % цементнинг массасидан; минерал тўлдиргичнинг майдалиги - 3000 см²/гр; GLENIUM SKI 504 суперпластификатори дозировкаси - 1,0 % аралаш боғловчининг массасидан; цемент хамирининг сув-боғловчи нисбати - 0,32.

Кўп даражали оптималлаштиришнинг иккинчи босқичида бошланғич таркибдаги бетонларнинг макроструктураси «Бетон-технология» дастурий комплексининг асосида ётувчи структурали-имитацияли моделдан фойдаланиб оптималлаштирилди. ОМҚли КМБларнинг оптималлаштирилган таркиблари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ОМҚли КМБларнинг оптималлаштирилган таркиблари

Бетон синфи	Харакатчанлик, марка (КЧ,см)	1м ³ даги бетон аралашмасининг ишчи таркиби				
		Цемент	Қум Мк=2,5-2,7	Чақиқ тош Фр.5-20	Сув	ОМҚ (ЦТЖ+СП)
		кг	кг	кг	л	кг
B25	П2(5-9)	290	1020	846	115	156
B30	П2(5-9)	318	920	900	165	172
B35	П2(5-9)	331	905	980	168	179

Оптималлаштирилган таркибдаги ОМҚли КМБларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиб чиқиш натижасида олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Нормал шароитларда қотган ОМҚли КМБларнинг сиқилишга мустаҳкамлиги

Бетон таркиби	Бетон синфи	КЧ,см	Намуналарнинг қотиш муддати, сутка				
			3	7	14	28	90
Назоратга оид	B25	6,0	9,9/30	19,7/60	29,5/90	32,8/100	42,6/130
	B30	6,5	11,4/29	23,1/59	34,5/88	39,2/100	50,6/129
	B35	6,0	12,8/28	26,6/58	40,8/89	45,8/100	59,1/129

Оптимал лаштирил ган	B25	6,5	11,8/30	26,8/68	37,5/95	39,5/100	51,4/132
	B30	6,0	14,6/31	31,7/67	44,4/94	47,3/100	61,5/131
	B35	6,5	16,5/30	37,5/68	51,9/94	55,1/100	72,9/132

Тадқиқотларнинг натижалари таҳлилидан ОМҚли КМБларнинг таркибларини кўп даражали оптимллаштиришда цементли боғловчини сезиларли иқтисод қилиш (40% гача) билан бирга композитнинг анча юқори даражадаги мустаҳкамликка оид ва эксплуатацион хоссалари кўрсаткичларига эришиш мумкинлиги аниқланди. Хусусан, бошланғич бетон таркибидаги 40% цементнинг «цеолитли тоғ жинси + GLENIUM SKI 504» асосидаги ОМҚ билан алмаштирилиши унинг мустаҳкамлиги кўрсаткичининг эталон бетон кўрсаткичига нисбатан 12-20%га ва музлашга чидамлилиги 1,5-2 марта, сув ўтказмаслиги эса бир марказга юқорироқ бўлишига олиб келди.

